



Ishonch

Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилинган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажакимизни ўйлаб, онгимиз ва калбимиз даъвати билан амалга оширолмоқдамиз. Токи эртта бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uqushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Олтин ёз — ўтмоқда соз

Баҳаво гўшалар чорлайди

Яккабоғ туманида жойлашган «Нихол» оромгоҳида яна болаларнинг шодон кулгилари янграй бошлади. Муборак газни қайта ишлаш заводи тасарруфидаги оромгоҳда мавсумга пухта тайёр-гарлик кўрилди.

Нефть-газчиларнинг фарзандлари ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун бу ерда 400 миллион сўмликдан зиёд таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди қорхона касаба уюшма кўмитаси раиси Акрам Хамроев. — Хар йили мингдан зиёд ўғил-қиз соғломлаштириладиган маскан янада гўзаллашди.

Тошдан тошга урилиб оқаётган зилот сув, ифори димогин-гизга хуш ёқадиган гулзорлар кишига ўзгача кайфият бағишлайди.

Бош етакчи Ойдиной Йўлдошевани болаларнинг қувнок даврасида уқрадлик. У «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусида сўхбат ўтказётган экан.

Тушдан сўнг болалар Насиба Бойназарова мудирилик қилаётган кутубхонага йўл олдилар. У ерда мингдан зиёд бадий асар, газета ва журналларнинг янги сонлари мавжуд.

Абдувоҳид Хуррамов раҳбарлик қилаётган «Нихол» бадий хаваскорлик ансамблининг концерти болаларга жуда ёқди. Ёш томошабинлар Нусратулла Халилов, Аслидан Исҳоқов, Уткир Махмудов, Махлиб Жабборова ва Зарфаржон Исҳоқовларнинг



чиқишларини олқишлар билан кутиб олдилар.

Бу галли мавсум дам олувчиларга манзур бўлишига шубҳа йўқ, — дейди оромгоҳ бошлиғи Абдуразақ Исҳоқов. — Ҳомийларимиз ҳамма шароитни яратиб берди.

Бу йил воҳамизнинг 20 та доимий оромгоҳида меҳнаткашларнинг 25.580 нафар боласи дам олдирилди, — дейди Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсон Ражабов. — Бунинг учун 2 млрд. 290 млн. 715 минг сўм ажратилди. Меҳрибонлик уйлари-нинг тарбияланувчилари Ҳомийлар ҳисобидан дам олдирилди.

Вилоятнинг баҳаво гўшаларида жойлашган «Лочин», «Ёш алангачи», Йўлдош Оқунбобоев, Азиз Қориев ва Беруний номидаги оромгоҳларда хордиқ мавсуми ушшоқлик билан бошланди. Вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бошқармалари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамағатлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, олий ўқув юртлири жамоалари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорликдаги савий-ҳаракатлари туфайли биринчи босқичда 6395 нафар ўғил-қиз мириқиб хордиқ чиқараяпти.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Мавсум кўнгилдагидек ўтади

Кўмитамиз таркибида 47 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари бириккан бўлиб, 1467 нафар аъзо ёшларга билан ва маърифат ёғдуларини тартиб қолмоқда. Кўнгиллик ишлар қанчалик муҳим бўлмасин, яна бир масала ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмайди. Бу жондор дилбаландаримизнинг кўнгилли дам олишларидир.

Илгари ёзги таътил бошлангани билан олис қишлоқда яшовчи ўқувчи ёшларнинг аксарияти ширкат хўжаликлари томонидан ташкил этилган оромгоҳларда дам олишарди. Стационар оромгоҳлар эса айтарли йўқ эди. Бу йил эса табиат кўйида очилган, виллоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфида иш бошлаган «Ишонч» болалар оромгоҳи туманимиз

ўқувчи ёшлари учун ҳам имкон қадар ўрин ажратди.

Яқинда шарт-шароитларни ўз қўзимиз билан кўриб келиш мақсадида ушбу оромгоҳда бўлдик. Кўнгилмиз тоғдек юксалди. Шундай қилиб, бундан бунён хар мавсумда 20 нафардан жами 60 нафар болажонларимиз ана шундай сўлим гўшаларда дам олиши мумкин. Бизни қувонтирган яна бир нарса бу юқоридаги қўшимча тарзда «Конимех» ширкат хўжалиги Ҳомийлигида 20 нафар ўқувчи ёшлар Тошкент вилоятининг «Чимён» оромгоҳида дам оладиган бўлди.

Гулистан ПИЯШЕВА, Конимех туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси



Тараққиёт ва фаровонлик манзаралари

Карши шаҳрида «Karshi AgrominTech Expo-2009» халқаро кўргазма савдоси бўлиб ўтди. Икки кун давом этган тадбирда дунёдаги 20 дан ортиқ мамлакатнинг 70 дан зиёд компанияси ўз технологиялари билан иштирок этди.

Халқаро кўргазма

Унда иштирок этган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ишбилармонлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакилларига агро-саноат комплекси учун мини-технологиялар ва ихчам ускуналар намойиш этилди.

Қишлоқ тадбиркорлари мева-сабзавотлар ҳамда гўшт ва сутни қайта ишлашга мўлжалланган юқори технологик линиялар, ун ва омухта эм ишлаб чиқариш бўйича кичик ускуналар, богдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга хизмат қиладиган техника ва жиҳозлар, маҳсулотларни замонавий усулда қadoқлаш ва саклаш учун зарур технологиялар билан танишишди.

Қишлоқ жойларига чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари учун замонавий жиҳозлар жуда зарур, — деди Мирришкор туманидаги «ФАМ» фермер хўжалиги раиси, «Ташаббус-2009» кўрик танловчи республика босқичи ғолиби Амир Файзиев. — Шу жиҳатдан бу кўргазма биз фермерлар учун катта имкониятлар яратди.

И.ИСОМИДДИНОВ

802 минг китоб

Бугун катта-ю кичикнинг ахборот ресурс марказларига қизиқиши ортади. Бунинг Фарғона давлат университети қошидаги ахборот ресурс маркази нисолида ҳам кўриш мумкин. 2006 йил 20 июнда Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлаш» ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда, жумладан, Фарғона вилоятини ҳам кутубхоначиликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

— Ҳозир китоб захирамиз 802 мингтани ташкил этади, — дейди марказ директори Абдухамиджон Тўхтаматов. — 200 ўринли ўқиш зали доимо гажум. Бу ерда маънавий хонаси, ўқув зали, сақлаш бўлими, тезкор маълумотлар хонаси ишлаб турибди. Китобларнинг электрон вариантларини олиш имкони ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси китобхоналар сонининг орттишига сабаб бўлаётир. 3640 нафар доимий аъзоимиз бор.

Марказда «Конституция» — фаҳримиз, «Китоб энг яқин дўст» мавзуларида тадбирлар ўтказиб турилади. Талабалар ўзларига керакли маълумотларни электрон почта ёки интернет орқали олиши мумкин. 60 та компьютер улар ихтиёрида.

Муҳаммадҷон МАХМУДОВ, Марғилон шахри

Имтиёзли кредит шарофати

«2007-2010 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий Дастури»-га асосан Сирдарё вилоятинида ўтган йили 28 мингта янги иш ўрни яратилди. Тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани босқич, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони кескин ошиб, бугунги кунда 15 минг 300 тага етди. Бандликка кўмаклашиш Давлат жамағатлари ҳисобидан йилнинг ўтган даври мобайнида 104 миллион 600 минг сўмлик кредит ажратилди. Мазкур имтиёздан сервис хизматини кўрсатишга бел болаган, яқка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбир-

корлар самарали фойдаландилар. Жумладан, «Чехра юлдуз», «Мухайё Манзура орузи», «Дониёрбек Муҳаммад ҳамкор», «Маҳбуба Азиза» каби хусусий корхоналарда кредит шарофати билан иш ўринлари кўпайиб, аҳолига сервис хизмати кўрсатиши яқшиланди.

Жамғарма томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига асосан қишлоқ тадбиркорларига чорвачилик ва паррандчиликни ривожлантиришга 17 миллион сўм, исоқхона барпо этиш учун эса 5 миллион 600 сўм миқдорда имтиёзли кредит берилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

«PANDA SANOAT SAVDO» ширинликлари

Наманган шаҳрининг Нуробод даҳасида фаолият кўрсатаётган «Панда саноат савдо» масъулияти чекланган жамияти қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Корхонага «Ҳамкорбанк»нинг 130 миллион сўмлик кредити ёрдамида Германия ва Хитой давлатларида ишлаб чиқарилган янги замонавий дастгоҳлар келтирилди. Янги линия ишга туширилга, маҳсулотлар тури яна тўрттага кўпайди.

Ҳозир корхонада бир кечакундузда икки тоннага яқин ўндан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Суратда: илгор ишчи Хуршида МАМАСОЛИЕВА.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (УзА) олган сурат

Йодланган ош тузи

Учқудук туман марказида ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Рўзи Хўжа» хусусий корхонаси иш бошлади.

Маҳаллий тадбиркор Г.Рўзиева банкдан олган 42 миллион сўмлик кредит завазига хориддан замонавий қайта ишлаш технологиясини ва қадқоқлаш ускунасини олиб келиб ўрнатди. Ҳозирда бежирим идишларда қадқоқланган йодланган ош тузи аҳоли дастурхонига тортилмоқда. Корхонада 10 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланган. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш завазига яна 10 та иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

Зебо ТўРАЕВА

Нарпай туманидаги «Октошмева» Ўзбекистон — БАА қўшма корхонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш кенг йўлга қўйилган. Италиядан келтириб ўрнатилган «ФБР-ЭЛПО» замонавий ускуналарида бир мавсумнинг ўзида 3000 тоннадан ортиқ ўрик, шафтоли, қароли, помидор сингари мева ва сабзавотлар қайта ишланмоқда. Тайёр маҳсулотлар махсус шартномалар асосида Россия ва Украина мамлакатларига етказиб берилаяптир.

Янги иш ўринлари

Шу кунларда корхона ўзаро шартномага кўра Нарпай, Пахтачи, Каттақўрғон туманларидаги 310 та фермер хўжалигини парваришланган ҳосил ҳисобидан лозим даражада ниҳол, уруғлик ва минерал ўғитлар билан таъминлаяпти. Энг асосийси, хар йили мавсум пайти 120 нафар киши ишга жалб қилиниб, қонқарли миқдорда ойлик маош тўланапти.

— Ички имкониятларни ҳисобга олиб, яна бир хайрли ишга қўл ўрдиқ, — дейди қўшма корхона раҳбари Равшан Узоқов. — Тасарруфида «Афросиёб Гипс» шўбё корхонаси ташкил этилди. Қоратов этагидида қарьдордан махсус тошларни ташиб келтириб, гипс тайёрлашни йўлга қўймоқдамиз. Ҳозирда иш бошлаган техник мосламаларимиз йилга 50 минг тонна гипс ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, бу юмушларга 80 нафарга яқин маҳаллий ёшлар жалб қилинди. Хитойдан гипс-картон ишлаб чиқариш мосламаларини келтириб ўрнатсак, ёз ярмига бориб яна 30 нафар ёшлар иш билан таъминланади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

Ўқув-семинар

Ҳаётӣ мисоллар воситасида

Жиззада касаба уюшма фаолларининг бу галги ўқув-семинари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилди.

Семинарни ЎзКУФК раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов очар экан, асосий мақсад бугун дунёда юз бериб турган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда касаба уюшма органлари раҳбарларини янада теран фикр ва мушоҳада этишга ундаш, уларга сайловлар фаолиятида амалий-услубий кўмак беришдан иборат эканлигини таъкидлади.

— Мазкур ўқув-семинардан иш фаолиятимизда асқатадиган жуда кўп нарса олдим, — дейди Дўстлик туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кенгаши раиси Ш.Номозова. — Билим ва дунёқарашим янада бойиди. Зиммамизда эса олган билимларни ҳаётга тадбиқ этиш вазифини ўқибди.

Итигиланлар ЎзКУФК раиси ўринбосари Н.Аллаёровнинг «Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳон иқтисодий кризисини оқибатлари

олдини олиш ва бартафат этиш бўйича кризисга қарши дастур бажарилишига кўмаклашиш чоратадбирлари тўғрисида»ги, шунингдек, вилоят маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Т.Аҳмедовнинг «Маънавий-маърифий, ғоявий-мафқуравий тарғибот», ЎзКУФК бўлим мудири М.Исаев, У.Адилов, А.Рисқуллаев ва бошқаларнинг меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқий ҳимоя, маданий-маърифий ва спорт ишлари, ижтимоий суғурта, молиявий интизом, касаба уюшма органларидаги ташкилий ишлар юзасидан маърузаларини тингладилар.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган кўп қавоқларга жавоб олишди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Ҳамкорликда гап кўп

— дейди «Ўз-Донг Жу — Пэинг Ко» қўшма корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси Комилжон Ҳошимов

«ЎЗДЭУ-авто» қўшма корхонаси 1996 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунга келиб унга бутловчи қисмлар етказиб берувчи ҳамкорлар сони 100 дан ортиб кетди.

«Ўз-Донг Жу — Пэинг Ко» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ҳам шулардан бири. Автомобиллар ва қурилиш санояти учун лак-бўёғи ишлаб чиқарувчи ўшбу корхона ходимларга яратилган имтиёзлар ва шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун касаба уюшма раиси Комилжон Ҳошимовни суҳбатга тортидик.

— Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган автомобил заводи халқимизга мисли қўрилмаган иқтисодий манфаатлар олиб келаятганини алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди Комилжон Ҳошимов. — Завод қурилиши бошланганидан соғ шун эрта ишлагани учун корхонамизнинг иқтисодий ўсиш динамикаси кино лентасидек кўз ўнгимдан ўтиб туради. Хар ишнинг бошида қийинчилик бўлган сингари бизда ҳам кадрлар масаласи биринчи ўринга қўйилган. Ушундан ўйлаб мутахассисларни Кореяга жўнатиб, касб-хўнар сирларини ўргатиш масаласи кўн тартибига қўйилди. Хали корхона ишга тушмасданок малака ошириш ишлари бошлаб юборилди. Шу тариқа, корхона қурилиши поёнига етгунга қадар кадрлар масаласини ҳал қилганимиз.

Ҳозирда корхонамизда 279 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари касаба уюшма кўмитаси томонидан тўлиқ қафолатланган. Жамоа шартномаларининг тўлиқ бажарилиши, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ишчиларни сўт маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратганимиз.

Шунингдек, айрим ходимларнинг ойлик иш ҳақларига 20 фоиз қўшимча ҳақ бериш, пенсияга имтиёзли равишда, яъни 10 йил олдин чиқиш, тўй-тантана ва бошқа маросимлар бўлган ҳолларда моддий ёрдам бериш расман белгилаб қўйилган.

— Сиз Европа мамлакатлари, хусусан, Туркиядаги турдош корхоналарда бўлиб, касаба уюшма фаолияти билан қияндан танишгансиз. Биздаги касаба уюшма фаолияти билан уларнинг ўртасида қандай тафовутлар бор?

— Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашиимиз томонидан ҳар қорхонада олиб бориладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ҳақида ҳам тўхталишимиз керак. «Ўз-Донг Жу» футбол жамоаси мамлакат биринчи ва олий лига чемпионатларида қатнашганидан хабарингиз бор. Шунингдек, жамоамиз биринчи лигада иштирок этганида, таркиб асосан завод ишчиларидан иборат бўлганлиги ҳам бор гап. Уйинларда Валишер Муродалиев, Хуршид Мамадалиев, Азизбек Ҳолиқов, Абдуҳошим Ҳайитов ва спорт йўриқчимиз Сардор Латиповлар ўз хиссаларини қўшилди.

Корхона раҳбари Зафаржон Зулунор спорт-соғломлаштириш ишлари катта масъулият билан қарайди. Йил давомида футбол бўйича корхона биринчилиги ва стол тенниси мусобақаларини ўтказиб келамиз.

Яқинда корхона ишчи-хизматчилари ва «Ўз-Донг Жу» жамоаси учун катта спорт мажмуаси фойдаланишга топширилади. Шўрбулоқ массивидаги мажмуада барча спорт турлари билан шугулланиш имкони мавжуд бўлиб, 3 та футбол майдонига эга. 3,5 гектар ер майдонини эгаллаган ўшбу мажмуа мустақиллик байрами арафасида иш бошлаши кўтилмоқда.

— Жаҳон молиявий инқирози шароитида ҳар бир корхона ўз дастурини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга тадбиқ қилмоқда. Бу борада сизларда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартафат этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг чоп этилиши биз учун айни мuddа бўлди.

Корхонамизда ҳам инқирозга қарши чоралар белгилашиб, ишлатилаётган хом-ашё маҳсулотлари таннархини пасайтириш, иқтисод қилиш бўйича 2009 йилда 410 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, биринчи чоракда 44 млн. сўм иқтисод қилинди.

Корхонамиз лак-бўёқ маҳсулотлари Россия, Афғонистон, Қозғистон, Қирғизистон сингари мамлакатларга экспорт қилинади. Янги янги линияларни ишга тушириш тўғрисида қўшимча иш ўринлари вужудга келмоқда. Ҳиндистон билан ҳамкорликда 200 литрли бўёқ идишлари ишлаб чиқариш цехини ишга туширдик. Утган йилда имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда 58 та касаначини иш билан таъминладик.

Корхонамиз мунтазам равишда хайрли ишларга ҳомийлик қилиб келаяпти. Кам таъминланган оилаларга, болалар спорт жамғармасига ҳар йили маблағ ажратамиз.

Касаба уюшма маблағлари хисобидан бу йил Хонобод касб-хўнар коллежига 7 миллион сўмлик спорт анжумалари олиб бердик. Меҳнатқашлар соғлигини тиклаш учун тиббий-санитар бўлимига 3 миллион сўм ўтказилди.

Хуллас, ҳамкорликда гап кўп экан. Биз келгусида ҳам ишчи-ҳодимлар учун янада қулай шароитлар яратиш ниятимизда.

Суҳбатдош: Абдулҳалқ ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Ифтихорим, фахримсан,

Пойтахтимиз Шарк ва Фарбни боғловчи цивилизация ўчоқларидан ҳисобланади. 2200 йил мобайнида Тошкент мудофаа девори билан ўралган қалъа қиёфасидан жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири — Ўзбекистоннинг пойтахти даражасига бўлган йўлни босиб ўтди.




Қадимий ва навқирон



Замонлар силсиласида шаҳар муҳим воқеаларини суронли йиллар, юксалиш ва инқироз даврларини бошдан кечирди. Уни забт этиш учун қилинган ҳужумлар, турли табиий офатлар шаҳарга таъсир қилмай қолмади, ҳўжалиқни издан чиқарди, иқтисодий ва маданий алоқаларга бир қадар путур етди. Шундан бўлса-да, шаҳар юксалишда давом этди. Чунки Тошкент эгаллаган жой кўманчи чорвадор, ўтроқ деҳқон, қосиб ва хўнарманд, савдогарларнинг фаолияти учун жуда қулай эди. Бундан ташқари, йирик қарвон йўлларининг шаҳар орқали ўтганлиги ҳам унинг ривож топишига ижобий таъсир кўрсатди.



Хитой тарихчиларининг гувоҳлик беришича, бу заминда мил. ав. 2-асрларда Қанжа номи давлат вужудга келган. Кейинчалик миллодий 1 — 4-асрларда тарих сахнасида Шовшета номи билан қириб келади. Араблар фатҳидан сўнг шаҳар Мадина аш-Шош деб юритила бошлади. Шаҳар ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан кенг имкониятга эга эди. Қолаверса, жаҳон халқларининг фаол алоқа тизими — Буюк ипақ йўлининг шимолӣ тармоғи айнан Тошкент воҳаси бўйлаб ўтган. Мана шундан хўсуятлари сабаб ҳам Қанғдез (ҳозирги Тошкент воҳаси) пойтахт саналган. У асрлар давомида Мовароуннахрнинг ажралмас бўлаги сифатида ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган.



Тошкент 9 — 11-асрларда қорамонийлар, қоракхитойлар, Мухаммад Хоразмшоҳ салтанати, Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази сифатида муҳим стратегик аҳамиятга эга Тошкент икки қисм: эски ва янги шаҳарга бўлинган. Эски шаҳарнинг рамайий чегараси Анхор каналдан ўтган бўлиб, шаҳарнинг шимолӣ-ғарбидаги тарихий қисмидир. У маъмурий жиҳатдан турта: Бешоғоч, Қўқча, Себзор, Шайхонтохур даҳаларига бўлинган. У даврда эски шаҳар эътибордан четда бўлган. Ободончиликка эътибор берилмас, улар кўрimsиз ҳолда, қўчалари ёзда чанг, қишда лойга ботиб ётар эди. Янги бинолар қуриш, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар асосан янги шаҳарда амалга оширилган.

1906 йили Тошкент-Оренбург темирйўли ишга туширилган, шаҳарда саноат ривожлана бошлади. Жулладан, Тошкент машинасозлик заводи, тўқимачилик комбинати, тикувчилик фабрикаларини, Бўзсув ГЭСи ишлаб турган. Буларнинг сафи иккинчи жаҳон уруши даврида қимё санояти, театр ва кино студиялари ҳисобига

янада кенгайди. Шу йиллари Тошкент фан ва маданият ривожиди ҳам ортада қолгани йўқ.

Тошкент демографик ва этник жиҳатдан ҳам нихоятда бой шаҳар эди. 20-асрнинг бошларида шаҳарда яшаган 200 000 га яқин аҳоли орасида турли миллат ва қўшилари маълумиятга учрайди. Бирок «ўз ихтиёри билан таълим бўлди» деган сохта ахднома жамоатчиликка эълон қилиниб, мажбурлов йўли билан Россия таркибига қўшиб олинди. Руслар Тошкентнинг минтақадаги геосиёсий ўрнини ҳисобга олиб, уни империянинг Туркистонга дахлдор барча сиёсий масалалари ҳал қилинадиган қароргоҳга айлантириб боришди.

Тарихий адолат тикланиб, давлатимиз мустақилликка эришган,

шаҳримиз ривожланишининг янги босқичига чиқди. Шундай қилиб, қадимий Тошкент бир асрдан ошибдики, пойтахт сифатида жаҳон ҳамжамиятининг эътиборида.

Дарвоқе, Тошкентнинг муҳим хўсуиятлари унинг гербиди ҳам акс эттирилган. Маълумки, илк ўрта асрлардаёқ азим шаҳарнинг ўзига хос рамази бўлган. Унда маҳаллий аҳолининг мифология қарашлари ўз аксини топган. Қадимда одамлар Чочга қоплон, яъни тоғ барси ҳомийлик қилишига ишонган. Бунинг асосини биринчи яримда ҳўкмдорлик қилган Ябғу Тарновча номи билан зарб қилинган тангаларнинг олд томонида қоплон тасвири берилганидан ҳам билиш мумкин. Шаҳарнинг ҳозирги герби 1996 йили қабул қилинган ва 2003 йилда қисман ўзгартирилган. Герб марказида шаҳар рамази бўлган нон тасвири туширилган. «Куч адолатдир» сўзи маслагимизни англатиб туради.

Шунингдек, пойтахтимиз жаҳондаги кўп шаҳарлар билан биродарлашган. 2008 йилнинг 23 апрел кўни АКШ элчихонасидаги Таълим бўйича маслаҳат марказида Сизел ва Тошкент шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганининг 35 йиллиги нишонланди. Икки шаҳар ўртасидаги биродарлик алоқалари 1961 йилдан йўлга қўйилган. 1972 йили биродарлашган шаҳар макрoмини олган. Бундан ташқари, Шаҳарда Сеул ҳам Тошкент билан биродар шаҳар ҳисобланади. Бу шаҳарлар билан кенг маданий алоқалар ўрнатилган. 2007 йилда Тошкентга ислом маданиятининг пойтахти макрoи берилиши эса нихоятда қўвонарли воқеа бўлди. Бу мамлакатимизда маънавий қадриятларга юксак эътибор қаратиладиган адолатдир.

Ўзбекистон фанлар академияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳўқимлиги томонидан 2009 йил 26 — 27-май кўнлари «Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 йилда» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди.

Халқаро илмий анжуман

Тадбир Тошкент шаҳар ҳўқимиятининг катта мажлислар залида бошланди. Унда дунёга машҳур археолог, тарихчи, тарихшунос ва нумизмат олимларнинг Тошкентнинг шаклланиши, қадимги ва ўрта асрларда шаҳар маданиятининг тараккиёти, ўшбу воқоадаги палеолит ёдгорликлари, янги нумизматик ва эпиграфик манбаларда Чочнинг қадимги тарихи, «Тошкент Буюк ипақ йўли чорраҳасида» ва «Тошкент эволюцияси замонавий маданият контекстида» каби мавзуларда илмий маърузалари тингланди.

Шундан сўнг анжуман «Қадимги ва ўрта асрларда Чоч — Тошкент шаҳарининг археологияси ва тарихи», «Тошкент тарихи манбаънослиги ва тарихшунослиги» ҳамда «Тошкентнинг янги ва энг янги тарихи» шўёбаларида давом этди. Олимларнинг Тошкентнинг қадимги тарихи, Буюк ипақ йўли ва маданий муносабатлар тараққиётида, ўрта Осиёда кечган сиёсий ва иқтисодий жараёнларда тулган ўрни, ўрта асрлар даврида шаҳарсозлик маданияти, ўрта аср Тошкент олимларининг фан ривожига қўшган ҳиссаси борасидаги маърузалари қўпчилида қизиқтириб ўйотди. Шунингдек, 19-асрнинг биринчи яримда Тошкентнинг маъмурий-бошқарув тизими ва хўнармандчилик аҳоли, шаҳарсозлик маданияти тараққиётига Европа ва Шарқ архитектурасининг таъсири ҳақидаги янги илмий материаллар жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди.

Умуман олганда, маърузалар моҳиятида шаҳар тараққиётига оид янги илмий материаллар тақдим қилиниши билан бирга мамлакатимиз пойтахти юбилейининг ўтказилиши илмий асосга эга эканлиги ва бу борада олиб бориладиган ишларнинг жаҳон миқёсида тан олинганлиги алоҳида эътироф этилди.

Конференция якунида иштирокчилар томонидан Тошкент шаҳри тарихи мисолида мамлакатимиз шаҳарлари ва шаҳарсозлик маданияти тарихини тадқиқ қилиш борасида олиб боришни зарур бўлган илмий йўналишлар ҳамда янги тадқиқотларга асос бўлувчи мулоҳазалар, назарий-методологик хулосалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз

ХўНАРМАНДИЛАР ШАҲРИ



Бугун Тошкент шаҳрининг кўча-ю хиёбонларини кезган кишининг кўзи қувнайди. Тарихий манбаларга мурожаат қилар экансиз, шаҳар халқи қадимда ҳам ободонлаштириш ишларига катта эътибор билан қараганининг гувоҳи бўлиласиз.

Бу ерда қулоччилик, заргарлик, пичоқчилик, тўқувчилик, каштачилик, бешиқсозлик, нақшошлик, қандакорлик, мисгарлик тараққий топан. Хар бир маҳаллада хўнармандлик марказлари бўлганини тарихчилар ёзиб қолдиришган. Шайхонтохур, Себзор, Бешоғоч, Қўқча даҳаларида хўнармандлар ясаган осори-атиқалар ҳали ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Масалан, Шайхонтохур даҳасининг ўзиди 48 та маҳалла бўлиб, 1870-йилларда уларда 567 та устaxonа бўлгани ёзиб қолдирилган. Еки Себзор даҳасидаги 38 та маҳалланинг хўнармандлари ясаган буюмлар Туркистоннинг барча ўлкаларига олиб кетилган. Қўқча даҳасида 31 та маҳалла бўлиб, кўнчилик ва маҳсўдўзлик билан шугулланган. Уларнинг маҳсулотлари сифатлилиги, бежиримлиги билан ажралаб турган.

Тошкентда тўқимачилик ривожланган бўлиб, хўнармандлар тайёрлаган заррин либослар хатто, Сибиргача етиб борган.

Шаҳарда қулоччилик ҳам ривожланган. Аҳолини рўзгор буюмлари билан таъминлашда рулонларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Кези келганда заргарларнинг ҳам ижодини таъкидлаш зарур. Эски шаҳарда қумшудан ясалган тақинчоқларнинг бозори чақон бўлган. Олтин, дур-маржонлардан яратилган тиллақош, зебиғардон, зирак, узук, балдоқ, билакузук, туморларнинг шўхурти узок-узокларга кетган.

Пардабой ТОЖИБОВ



«Қорасарой»ми ё

кизиқтира бошлади. Яъни «Қорасарой» дарвозасига бундай ном нима сабабдан берилган? Айни пайтгача бу борада икки тахмин илгари сурилди.

— Биринчиси, дарвозанинг ёнида, қалъа девори ичкарасида Тошкентга келган мусофирларнинг дам олиши, овқатланиши ва тунаши учун сарой бўлган. Унда Тошкентга келган кўманчи халқ тунаб қолар эди. Унинг тепаси гўмбаасимон бўлиб, ўртасида тўтун қўқиб кетиши учун тўйнуқ бўлган. Қишнинг совуқ кўнлари гулхан ёқилганда тўтун саройининг шифтини қорайтириб юборган. «Қорасарой» номи шундан келиб чиққан деган фикр бор, — дейди маҳалла оқсоқолининг ўринбосари Зикрилла Юсупов.

Тошкентнинг қадимги 12 дарвозаларидан бири — эски шаҳардаги Қорасарой дарвозаси худудидида жойлашган маҳаллага 1998 йили 4 та маҳалла: «Бобур», «Наврўз», «Ривож» ва «Работ» маҳаллалари бирлаштирилиб, «Қорасарой» номи берилган. Ҳозирги кунда унинг майдони 17 гектар, аҳолиси 6 мингга етади. Маҳаллада ҳовлилар билан бирга 26 та кўп қаватли уй ҳам мавжуд.

Табиийки, Қорасарой номи қардан келиб чиққанлиги маҳалла фаоллари ва фуқароларини

ТОШКЕНТ!


2007 йили Ислам Конференцияси Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият бўйича муассасаси (АЙСЕКСО) Тошкент шаҳрини ислом маданияти пойтахти деб эълон қилган эди. Буни, албатта, маънавий қадриятларимизнинг тикланиб бораётгани, бу борада қилинаётган ишларнинг эътирофи дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоиз, Шайх Хованд Тоҳур даҳаси, Кўкалдош ва Абулқосим мадрасалари, Занги ота, Кўйлик ота, Шайх Зайниддин зиёратгоҳлари нафақат шаҳримизнинг, балки бутун миллиятимизнинг маънавий кўрғиндир. Шулар орасида қадимий Ҳазрати Имом (Ҳасан) маҳалласи, унинг атрофида жойлашган Каф-фол Шойий мақбараси, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Тилла шайх масжидлари алоҳида ўрин тутди. Улуғ аждодимиз — фақиҳ, муфассир, муҳаддис, тилшунос ва шoir Абу Бакр Каф-фол Шойий (903-976) номи билан боғлиқ ушбу гўша бутун ислом оламида машҳур ҳисобланади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 20 февралда эълон қилинган «Ҳазрати Имом (Ҳасан) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори мажмуанинг бутунлай янги қиёфа касб этишини таъминлади. Эндиликда бу ер юртимиз аҳолисининг, хорижий меҳмонларнинг сеvimли зиёратгоҳи бўлиб қолди.

— Дарҳақиқат, юртимизда маънавий меросимизни тиклашга нечоғлик юксак эътибор берилганлигининг ўзига хос намунаси бўлган ушбу масканга келсангиз дилингиз яйрайди, — дейди исломшунос Абдувоҳид Урозов. — Биргина Куръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бўлган машҳур Ҳазрати Усмон Куръони Ҳасимов мажмуасида сақланаётганининг ўзи бу

Комилликка

Чорлаган зиё



гўшанинг улугворлигидан далолат. Биласиз, бу муборак китоб учинчи халифа Усмон ибн Аффон (розийаллоху анҳу) буйруғига асосан (644-648 й.) кийик терисига кўчиртилган эди. Шулардан ер юзиде китоб шаклида сақланган ягона нусха биздаги Мусхафдир. ЮНЕСКО 2000 йилнинг 28 августда ушбу Мусхафнинг асл нусха эканини тасдиқловчи ҳужжат — сертификат ҳам берган.

Абу Бакр Каф-фол Шойий моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфозликда шухрат қозонган. Шу боис «каф-фол», яъни қулфчи деган ном билан танилган. Мисрлик тарихчи Тожуддин Субкий «Табақотуш шофеъийа ал-қубро» («Шофеъийанинг улуг даражалари») асариде: «Абу Бакр Каф-фол Шойий тафсир,

олим Каф-фол Шойий эди», — дея таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам у киши тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, шеърият ва тилшунослик илмлари бўйича комусий олим бўлган. Манбаларда Шойийнинг «Жавомийул калом» («Ҳикматли иборалар тўплами»), «Адабул қози» («Қозининг одоби»), «ал-Жадалул ҳасан» («Диалектика гўзаллиги»), «Китоб фи усулул фикҳ» («Фикҳ усуллари китоби»), «Шарҳур рисола» («Рисола шарҳи») ва бошқа асарлар ёзиб қолдирганини кайд этилади. Шунингдек, «Бу асрда ундан билимдонроғини учратмадим» дея эътироф этган журжонлик шоғирди, муҳаддис Абу Абдуллох Ҳалимийдек билимдон шоғирдлари ҳам талайгина эди.

Кейинчалик Тошкентнинг Себзоридеги у киши қўйилган қабристон теварағи «Ҳасимов даҳаси» номини олди. Маълумотларга кўра, Каф-фол Шойий вафоти даврида қорахонийлар ҳозирги мақбарага ўхшаш қурилгани гўшадан тиклашган, аммо у бузилб кетган. Ҳозирги ёдгорликнинг замин қисмлари 9 — 11-асрларга, юқори қисми эса 14 — 15-асрларга хос бўлиб, Самарқанд услубида қурилган. Баъзи тарихий маълумотларда мақбарани биринчи бор Амир Темур таъмирлатгани кайд этилади. Бир сўз билан айтганда, Абу Бакр Каф-фол Шойий асрлар давомида кишиларнинг ёдида абадий қолишида ҳам бир ҳикмат мўжассам. Алломанинг пок хотираси ва маънавий мероси бизни ҳамisha комиллик сари қорлаб туради.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

Инсонга наф келтириш — олий бахт

Хотира юки энгил эмас, ўтган кунларга назар солиш ўша дамларга қайтиш, ўша кўчаларда яна тентирашдек гап. Ҳасан аканинг қорасийрак қошлари чимирлиди. Кўзларига ҳазин соя тушди. Негадир биринчи бўлиб онасини эслади.

Хали Ун гулидан бири очилмаган рус гўзали Лидия Борисовна Каростина Иккинчи Жаҳон уруши қизғин давом этаётган кунларда кўплар қатори Ўзбекистонга эвакуация қилинганди. Тақдир тақозиси билан қизгина шу ерда қолиб кетди. Нуроталик Бурхонга кўнгул бериб, саккиз нафар фарзанднинг онаси бўлди, ерли халққа сингди. Ҳасан ака шуларнинг бири, қолган она-ука, сингиллари ҳам оилада, жамиятда қадр топган инсонлардан.



Ҳасан ака

Болаликда орзулар юракка сиғмайди. Қанот бойлаб олиши раиси сифатида фаолият юритаётганига ҳам қарийб 18 йилдан ошди. Астойдил қилинган меҳнат асло бесамар кетмайди. Меҳнатлари муносиб тақдирланди. У республика Халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси. Қатор нушонлар кўрагани беэзаб турибди. Фахрий Ёрликлар ва Мактов қоғозлари ҳам талай. Энг муҳими, меҳнат қилиб, эл ўртасида эъзоз топган бахтли инсонлардан бири.

— Ускининг гўглинг оллоқ, ийқилгани суямоқдан ҳам улугроқ савоб борми, — дейди Ҳасан ака ўз юмушидан ифтихор туйиб.

Вилоят кенгаши, унинг тасарруфидеги бошланғич касабаривожига хизмат қилишини ният қилиб эди. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучмайди. Инсон насибаси қаерда бўлса, шуни теиб эди.

1968 йил. Эндигина мактабни тамомлаган йигитча қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кириш ниятида имтиҳон топширди. Бироқ конкурсда ови юришмади. Қишлоққа қайтиб борсам, ота-онанинг, устозларимнинг ўзига қандай қарайман», кўнгулидан кечди унинг ва шу ерда қолиб ишлашга ҳамда навбатдеги кириш имтиҳонларига қаттиқ тайёрланишга жазм эди. Самарқанд шаҳридеги қурилишлардан бирида ишлаб юргани, тасодуфан устози Очибой Наврўзовни учратиб қолди. Бор гапдан воқиф бўлган Наврўзов: (У ўшанда туман халқ таълими бўлими мудир эди)

— Сен бундай юрма, уйга қайт, деди. — Узинга маълум, бизнинг томонларда рус тили ўқитувчиси етишмайди. Сен бўлсанг, рус тилини сувдай тайёрлашга жазм эди. Самарқанд шаҳридеги қурилишлардан бирида ишлаб юрган, тасодуфан устози Очибой Наврўзовни учратиб қолди. Бор гапдан воқиф бўлган Наврўзов: (У ўшанда туман халқ таълими бўлими мудир эди)

— Сен бундай юрма, уйга қайт, деди. — Узинга маълум, бизнинг томонларда рус тили ўқитувчиси етишмайди. Сен бўлсанг, рус тилини сувдай тайёрлашга жазм эди. Самарқанд шаҳридеги қурилишлардан бирида ишлаб юрган, тасодуфан устози Очибой Наврўзовни учратиб қолди. Бор гапдан воқиф бўлган Наврўзов: (У ўшанда туман халқ таълими бўлими мудир эди)

— Сен бундай юрма, уйга қайт, деди. — Узинга маълум, бизнинг томонларда рус тили ўқитувчиси етишмайди. Сен бўлсанг, рус тилини сувдай тайёрлашга жазм эди. Самарқанд шаҳридеги қурилишлардан бирида ишлаб юрган, тасодуфан устози Очибой Наврўзовни учратиб қолди. Бор гапдан воқиф бўлган Наврўзов: (У ўшанда туман халқ таълими бўлими мудир эди)

— Сен бундай юрма, уйга қайт, деди. — Узинга маълум, бизнинг томонларда рус тили ўқитувчиси етишмайди. Сен бўлсанг, рус тилини сувдай тайёрлашга жазм эди. Самарқанд шаҳридеги қурилишлардан бирида ишлаб юрган, тасодуфан устози Очибой Наврўзовни учратиб қолди. Бор гапдан воқиф бўлган Наврўзов: (У ўшанда туман халқ таълими бўлими мудир эди)

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон шахмат Федерацияси раҳбарияти ҳамда федерация касабаривожига хизмат қилишини ният қилиб эди. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучмайди. Инсон насибаси қаерда бўлса, шуни теиб эди.

БИТИКЛАРГА

муҳрланган бойликлар

Юксак илмий-маънавий, диний-маърифий тараққиётга олиб келган Ёзма ёдгорликлар сони бўйича мамлакатимиз дунёда энг бой давлатлар қаторига кирди. Унлаб илмий ва маърифий муассасаларда сақланаётган кўлэм ва тошбосма манбалар сони юз мингдан ошиқ экани ушбу маънавий хазина нечоғлик улканлигини кўрсатади.

Олий Мажлис ҳузурида чет элларга олиб кетилган кўлэм ва ҳужжатларни қайтариб келиш бўйича махсус хайъат тасвир этилгани бу йўналишдаги ишлар салмоғининг орттишига катта туртки берди.

Нодир китобларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида — ЎзФА шарқшунослик институти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси, Адабиёт музейи ҳамда Темирийлар тарихи давлат музейи, Тошкент ислом университети, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонада сақланмоқда.

Шарқшунослик институтининг кўлэмалар жамғармаси 1943 йилда ташкил топган ва ноёб маскан сифатида ЮНЕСКО рўйхати га киритилган. У 1999 йили ЎзФА президиуми қарорига мувофиқ Ҳамид Сулаймон номидаги кўлэмалар институти билан бириштирилди. Натихада яна 7000 жилд кўлэм ва 7000 жилд тошбосма китоб шарқшунослик институти кўлэмалар хазинасига қўшилди. Ҳозир ҳаммаси бўлиб 25.000 жилд кўлэм (тахминан 60.000дан ортиқ асар) ва 28.000 жилд тошбосма ва босма китоб (тахминан 40.000 дан ортиқ асар) сақланмоқда.

Асарлар араб, форс, ўзбек, тожик, турк, озарбайжон, татар, туркман, урду, пушту, уйғур ва бошқа тилларда ёзилган. Улар орасида Шарқнинг Абу Бакр Розий, ибн Сино, Беруний, Форобий, Мусо Хоразмий, Маҳмуд Замаҳшарий, Аҳмад Яссавий, Бурхониддин Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фирдавсий, Амир Хусрав Дехлавий, Бобур, Оғаҳий каби юзлаб буюк олим шуларнинг қимматбахо кўлэмалари бор.

Энг қадимий асар Куръони каримнинг 9-асрда кўчирилган ноёб кўлэмаси ҳисобланади. Шунингдек, ибн Саломнинг «Ғарибул ҳадис» (9-аср), Розийнинг «Китоб сиррул асрор», Берунийнинг «Ат-тафҳим» (13-аср), Замаҳшарийнинг «Муқаддиматул адаб» (12-аср), Бурхониддин Марғинонийнинг «Хидоя» (14-аср), Абдурахмон Жомийнинг «Девон» (15-аср), Алишер Навоийнинг «Наводирӯш шабоб» (15-аср) каби ноёб асарлари ҳам бор.

Демак, Тошкент юртимизнинг энг нодир кўлэм манбалари сақланаётган маркази ҳамдир. Бу битикларга муҳрланган жавҳарларни асраб-авайлаш, фарзандларимизга ўргатиш шарафли вазифа ҳисобланади.


Жамшид НИЁЗОВ

«Қорисарой»?

тарихий манбаларга таяниб, ҳақиқатга яқин талқин этади. Унинг ўзини: «Ўзбекларнинг тарихига кирган қабилалар орасида сарой уруғининг катта уюшмаси, жумладан «Ас-сарой», «Қорабоғсарой» ва «Қорасарой» каби қабилалар бўлган. «Қорасарой» номи шундан. Шаҳарнинг «Қорасарой» дарвозасини қўриқлаш «Қорасарой» қабиласига топширилган. Бугунги кунда Собир Раҳимов ва Дадабоев кўчалари оралиғидаги кўча ҳам шу ном билан аталади.

«Қорасарой» маҳалла аҳолиси аждодларининг қайси касб билан шуғулланиши уларнинг маънавий мероси ҳамда қиёфа билан алоҳида келиб чиққан. Уша даврда аҳоли асосан дарвозадан келган савдогарларнинг эҳтиё-

Халқимиз хар сафар севиб кўрадиган «Мафунингман» филмида Юлдашхон кўл бўйида ўтириб қўшиқ кўйлайди. Бу хар биримизнинг қалбимизга болаликдан муҳрланган қолган лавҳа, лекин бу кўл Тошкентдег шаҳри азимнинг қаерида жойлашгани, қачон пайдо бўлганини кўпчилик биймайди.



Халқимиз хар сафар севиб кўрадиган «Мафунингман» филмида Юлдашхон кўл бўйида ўтириб қўшиқ кўйлайди. Бу хар биримизнинг қалбимизга болаликдан муҳрланган қолган лавҳа, лекин бу кўл Тошкентдег шаҳри азимнинг қаерида жойлашгани, қачон пайдо бўлганини кўпчилик биймайди.

Ўзбекистон миллий боғи директори Собит Маматов билан суҳбатимиз олтин узукка ёқут кўздай ярашган, кўзимизни қувонтирувчи, руҳимизга тетиклик бағишловчи тарихий кўл ҳақида.

— Ушбу кўлнинг қурилиши ёшлар билан боғлиқ бўлиб, 1932 йилда бошланган ва 1937 йили тугатилган, — дейди Собит ака. — 1938 йили ишга туширилган. У мамлакатимиз мустақилликка эришгунча «Комсомо» кўли деб юритиларди. Кўл хашар йўли билан қурилган. Умумий майдони 9 гектар. Илгари кўлга сув туғридан-туғри қувурдан тушиб, олд қисми фахатгина панжара билан тўсилган бўлса, сув оқими олиб келган чикиндиларнинг бир қисми тўрда қолиб, айрим вақтларда лойқа сув ва чикиндилар ўтиб кетарди. Кўлда сув тозалаш мосламаси йўқ эди. 45 гектардан иборат боғ ва кўл мустақиллик йилларида том маънода чирой очди. Президентимизнинг ташаббуси билан 1991 йилдан Ўзбекистон миллий боғи деб аталиб, 2005 йили таъмирланди. Кўлнинг қирғоғига тош ётқизилиб, филтр ўрнатилди. Кўл суви тўхтовсиз равишда алмашиб туради.

— **Сув қачан вақтда алмаштирилади?**

— Бу кўл нафақат томоша учун яратилган, айна пайтда у шифо манбаи, дам олиш масканидир.

— **Сув қачан вақтда алмаштирилади?**

— Бу кўл нафақат томоша учун яратилган, айна пайтда у шифо манбаи, дам олиш масканидир.

— **Собит ака, кўлдаги оролчалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз...**

— Кўлда иккита оролча мавжуд. Биринчиси иккала соҳили боғлаб турувчи иккита осма кўприк ўртасида жойлашган. Иккинчи оролчага эса битта кўприк орқали ўтилади. Кўприклардан ўтиш жараёнида зумрад осмон ақс этган кўл шундай чиройли қўринадик, дам олувчилар унда узок вақт қолиб кетадилар. Оролчаларда қаҳвахоналар ишлаб туради.

— **2005 йили қирғоқ бўйида «Корабль» кафедини ишга туширдик. 2 та катмаран, 10 та қайиқ, 2 та моторли қайиқ ҳамда бир йўла 20 кишини сайр қилдиришга мўлжалланган ажойиб кемамиз ҳам дам олувчилар хизматида.**

Ишчиларимиз хар тонгни кўл сатҳини тозалашдан бошлайдилар. Дарахлардан тўкилган барглар, дам олувчилар ташлаб кетган сув идишлари, қоғозлар олиб ташланади. Урни келганда бундай оромгоҳларда дам олиш ҳам юксак маданият бўлиши талаб қилишини таъкидламоқчиман. Бу боғ бизнинг миллий боғимиз, демак, бутун халқники. Шундай экан, уни авайлаб-асрашимиз керак.

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири

Олтин узукка ёқут кўздай



Олтин узукка ёқут кўздай

— Ушбу кўлнинг қурилиши ёшлар билан боғлиқ бўлиб, 1932 йилда бошланган ва 1937 йили тугатилган, — дейди Собит ака. — 1938 йили ишга туширилган. У мамлакатимиз мустақилликка эришгунча «Комсомо» кўли деб юритиларди. Кўл хашар йўли билан қурилган. Умумий майдони 9 гектар. Илгари кўлга сув туғридан-туғри қувурдан тушиб, олд қисми фахатгина панжара билан тўсилган бўлса, сув оқими олиб келган чикиндиларнинг бир қисми тўрда қолиб, айрим вақтларда лойқа сув ва чикиндилар ўтиб кетарди. Кўлда сув тозалаш мосламаси йўқ эди. 45 гектардан иборат боғ ва кўл мустақиллик йилларида том маънода чирой очди. Президентимизнинг ташаббуси билан 1991 йилдан Ўзбекистон миллий боғи деб аталиб, 2005 йили таъмирланди. Кўлнинг қирғоғига тош ётқизилиб, филтр ўрнатилди. Кўл суви тўхтовсиз равишда алмашиб туради.

— **Сув қачан вақтда алмаштирилади?**

— Бу кўл нафақат томоша учун яратилган, айна пайтда у шифо манбаи, дам олиш масканидир.

— **Сув қачан вақтда алмаштирилади?**

— Бу кўл нафақат томоша учун яратилган, айна пайтда у шифо манбаи, дам олиш масканидир.

— **Собит ака, кўлдаги оролчалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз...**

— Кўлда иккита оролча мавжуд. Биринчиси иккала соҳили боғлаб турувчи иккита осма кўприк ўртасида жойлашган. Иккинчи оролчага эса битта кўприк орқали ўтилади. Кўприклардан ўтиш жараёнида зумрад осмон ақс этган кўл шундай чиройли қўринадик, дам олувчилар унда узок вақт қолиб кетадилар. Оролчаларда қаҳвахоналар ишлаб туради.

— **2005 йили қирғоқ бўйида «Корабль» кафедини ишга туширдик. 2 та катмаран, 10 та қайиқ, 2 та моторли қайиқ ҳамда бир йўла 20 кишини сайр қилдиришга мўлжалланган ажойиб кемамиз ҳам дам олувчилар хизматида.**

Ишчиларимиз хар тонгни кўл сатҳини тозалашдан бошлайдилар. Дарахлардан тўкилган барглар, дам олувчилар ташлаб кетган сув идишлари, қоғозлар олиб ташланади. Урни келганда бундай оромгоҳларда дам олиш ҳам юксак маданият бўлиши талаб қилишини таъкидламоқчиман. Бу боғ бизнинг миллий боғимиз, демак, бутун халқники. Шундай экан, уни авайлаб-асрашимиз керак.

Нозима РАХИМОВА суҳбатлашди

Миллий хунармандчилик

Буюк меросни давом эттириб



Ёғоч ўймакорлиги халқ амалий санъатининг энг нафис ва оммалашган турларидандир. Хунармандчиликнинг барча соҳасида ривожланиш, янгиланиш бўлгани каби ёғоч ўймакорлиги санъатида ҳам ранг-баранг ижод намуналари вужудга келмоқда.

Хунармандчилик қизиқиш унга отаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, косибчилик устаси Мақсуд Қосимовдан ўтган. Отасининг йўлидан бориб, эл хурматини қозонди.

Нефтьгазмонтаж қўшма корхонаси қошида ташкил этилган «Ўзбегим усталари» бошқармасида фаолият кўрсатиб, пойтахтимиз, қолаверса, вилоятлардаги биноларнинг гузаллашишига ҳисса қўшаётир.




ортирмоқда. Хунармандлар ҳар йили республика миқёсидаги кўرғазмаларда қатнашишади. Бундан ташқари, Австрали, Япония, Туркия, АКШ каби давлатлардаги халқро кўрғазмаларда ясаган буюмлари намойиш қилинган.

билган бу инсон устачилик билан биргаликда Республика Бозлари бадий ижодиёти марказида ёғоч ўймакорлигидан сабоқ бермоқда.

Комила БОЙМУРОВА, «Ishonch» мухбири

Самбо

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуаси қарийб бир ҳафта муҳлислар билан гавжум бўлди. Бу ерда самбо бўйича ўсмирлар, қизлар, ёшлар, эркаклар ҳамда аёллар ўртасида Осиёнинг янги чемпионолари аниқланди.



Қитъамизнинг 30 га яқин давлатидан келган 500 дан зиёд спортчи маҳорат майдонида ўзига хос кўриқдан ўтди.

Самбо юлдузлари ТОШКЕНТАДА

кил этилди. Тошкентдаги Осиё чемпионатида Покистон, Афғонистон, Сурия каби самбо оламидаги янги давлатлар вакиллари ҳам қатнашди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Мулоҳаза



КОМПЮТЕР ҲАМ БОҒЛИҚМИ?

Турли ахборот хуружлари тафаккур ахлини тобора қаттиқ ҳавотирга солмоқда. Чунки у ўзига қарши ақл ишлатишинингизга имкон қолдирмаслик хусусиятига эга.

Бугунги кунда дунёдаги гегмон давлатлар сибсатчилари энди оёқда туриб келаётган мамлакатлар аҳолисига ўз халқларининг маданиятини сингдиришга уринишаётир. Бу билан улар гўё демократия тамойилларини қарор топтиришмоқчи.

Шерзод АБДУСАМADOV, «Ishonch» мухбири

Замондошларимиз



Ўзбек аёлининг фидойилиги, сабр-тоқати ва фарзандларига меҳр-муҳаббатининг чек-чегараси йўқ. Самарқандлик Гулбахор Раҳматовда ана шу фазилатларнинг барчаси жамулжам десак, асло мулобаға эмас.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Овчи ҳикоялари

Ойкор — Бахмалнинг сўлим ва хушманзара гўшаларидан бири. Чор атрофи Етимтоғ, Учқиз ва Қирққиз тоғлари билан ўралган. Унинг ҳар бир қоя ва сўкмоғи моҳир мерган Ражаб амаки учун таниш ва қадрдон.

вазирлари ҳам орта боради. Девқомат жониворлар қишда тўлиқ уйқуга киришмайди. Ҳаво илқ қазлари эрталаб уйқоқ бўлади. Гоҳо ташқарига чиқиб туради.

Ақли Ва Онгли



Театр

Ой онасининг Марямхони

«Муқимий» номидаги Ўзбек давлат мусиқали театрида Нурилло Аббосхон сценарийси асосида «Ой онам — қайнонам» номли спектакл премьераси бўлиб ўтди.

Шаҳризода ҲУЛОМЖОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Publication information including contact details for the publisher, subscription rates, and distribution information. Includes the logo of the publisher and various contact points.